1945 1995

**Ғалабанинг 50 йиллиги**

# ФРОНТДАГИГА ТЕНГ ЖАСОРАТ

**1941—1945 йиллдаги уруш даврида халқимизнинг фронт орқасида қилган қаҳрамонона меҳнати, ғалабани яқинлаштириш йўлидаги фидойиликлари шундай юксак баҳога лойиқдир**

## БУТУН ЮРТ САФАРБАРЛИГИ

Тарих бизга шохидлик беришича, ер юзи бинога келгандан буён қарийб 300 йилгина давр урушларсиз осойишта ўтган экан. Қолган даврларда дунёнинг гоҳ у, гоҳ бу ерида инсонларнинг қони тўкилиб турган. Ана ўша урушлардан энг даҳшатлиси, қитъамизни ларзага келтиргани бу 1941-1945 йиллардаги фашизмнинг катта кучи билан юзмаюз келишдир.

Қайси давлатнинг фронт орти мустаҳкам бўлса ўша мамлакат енгилмайди, -деган оддий ҳақиқат бор.

Фронт бўсағасида бўлган корхоналарни, банд бўлган мутахассислар ва ишчиларни, илм-фан масканларини ва етим болаларни жанг ҳаракатларидан ҳоли бўлган ҳудудларга кўчириб келтириш жараёнида республикамизга 93 корхона кўчириб келтирилиб, шундан 65 таси Тошкент шаҳри ва вилоятида жойлаштирилди. Халқ хўжалиги учун керакли маҳсулотлар, истеъмол молларини ишлаб чиқариш билан банд бўлган бу корхоналарни шу куннинг талабидан келиб чиққан ҳолда қисқа муддат ичида ҳарбий изга кўчириш, яъни уруш эҳтиёжи учун керак бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқариш зарур эди.

Тошкент шаҳри ва вилоятига кўчириб келтирилган корхоналардан — Москвадан Чкалов номидаги самолётсозлик заводи, «Подъёмник», «Электрокабел», Ростовдан «Ростсельмаш», «Красний Аксай», Сумидан Фрунзе номли ва бошқа йирик машинасозлик, тўқимачилик ва пойабзал ишлаб чиқариш корхоналари ва кўчириб келтирилган 200 минг кишини жойлаштириш учун вилоятдаги ишлаб чиқариш майдонларининг катта қисми бўшатилди ва бир қатор ўқув юртларини ҳам зичлаштиришга тўғри келди. Жумладан, улар учун 350 минг квадрат метр ишлаб чиқариш майдони ажратиб берилди, 2 минг квадрат метр янги ишлаб чиқариш майдони қурилди. Ана шу корхоналарни тиклаб ҳамда асбоб-ускуналарини ишга туширишга сарфланган маблағ 400 миллион сўмни ташкил этди.

Тинчлик даврида бундай кенг кўламдаги қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш учун бир неча йиллар талаб қилинадиган бўлса, уруш даврида жангдаги юрт ўғлонларини қўллаб-қувватлаш, ғалабани тезроқ яқинлаштириш, мана шу объектларни қисқа муддатда ишга тушириб, фронт учун керакли маҳсулотлар етказиб бериш шу куннинг долзарб масаласи эканлигини тўла ҳис қилиб, масъулиятни бўйнига олган вилоятимиз меҳнаткашлари ақл бовар қилмайдиган муддат ичида топшириқни бажаришга муваффақ бўлдилар. Мана бир мисол: Тошкентга 420 вагонда келтирилган «Ростсельмаш» заводининг асбоб-ускуналари, дастгоҳлари икки ярим ой ичида қайта тикланган бўлса, Чкалов номли авиазаводи эса 45 кунда биринчи жанговар самолётни фронтга ҳадя этди.

Шу аснода 1941 йилнинг охирига келиб кўчириб келтирилган ва вилоятдаги ана шу корхоналарнинг узлуксиз ишлаши, ҳарбий маҳсулотга бўлган эҳтиёжнинг кун сайин ошиб бораётганини эътиборга олган ҳолда металлургия, ёқилғи қазиб чиқариш, электр энергия тармоқларини устун даражада ривожлантириш масаласи кун тартибига қалқиб чиқди. Юқоридаги масалаларни тезкорлик билан ҳал этишда халқ ҳашарлари жуда катта омил бўлди. Агар биз яна бир бор давлат муҳофазасида сақланаётган ҳужжатларга кўз югуртирадиган бўлсак, у ҳолда қуйидаги далилий исботларни ўқиймиз. Оққовоқ ГЭСидаги турбина 36 кунда, унинг генератори 25 кун ичида ўрнатилди. Оқтепа ва Юқори Оққовоқ ГЭСлари ҳам тезкорлик билан бунёд этилди. Янги қурилган ГЭСларнинг ишга тушиши туфайли вилоятимизда электр станциялар қуввати 1940 йилда 87,2 мегаватт бўлган бўлса, 1943 йилга келиб 168,6 мегаваттни ташкил этди.

Гидростанциялар қурилишида Тошкент шаҳридан 750 муҳандис-техник, қурувчи ишчилар, Тошкент политехника институти битирувчиларидан 105 ва энергетика билим юртини битирганлардан 750 нафар киши қатнашди. Корхоналарнинг жамоалари Салор ГЭСи қурилишига юздан ортиқ ҳар хил қурилиш механизмларини, 50 автомашина, 150 темир-йўл вагонларини, 6та паровоз, 65та дастгоҳ, 650 тонна металл, 400 км сим ва кабель каби анжомларни юбордилар. ГЭС 1944 йилнинг бошида ишга туширилди.

Фарҳод гидроэлектростанцияси қурилишининг 70 минг кишилик жамоаси республиканинг барча меҳнаткашларига мурожаат қилиб, ушбу йирик саноат иншоотида фаол қатнашишга чақирдилар. ГЭСлар қурилишида 12 млн. куб метрдан ортиқ ер қазиш ишлари бажарилган бўлса, шундан 6 млн. куб метри Тошкент вилоятининг колхозчи, ишчи ва хизматчиларининг вакиллари томонидан бажарилди. Бу қурилишга Тошкент паравоз-вагон таъмирлаш заводи ишчилари ва хизматчилари 14 та паравоз, 47та вагонни таъмирлаб бердилар. Бундай қурилишларга урушдан олдин бир неча йиллар сарфланар эди.

1942 йилда бунёд этишга киришилган «Оқтепа», «Оққовоқ-1», «Оққовоқ-3», гидроэлектростанциялари бир йил ва ундан сал ортиқроқ вақт ичида қурилиб фойдаланишга топширилди.

Тошкент шаҳрида фаолият кўрсатган саноат объектлари 1943 йилда 1 млрд. 700 млн. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Бу 1940 йилга нисбатан уч марта кўпдир. Ишлаб чиқарилган маҳсулотларнинг учдан икки қисмини фронтга зарур бўлган уруш анжомлари ташкил этади.

Вилоятимиз саноати 1941-1943 йилларда фронтга 1010 та самолёт, 8243та авиамоторлар, 1651 та миномёт, 154.700 минг авиабомба, 12 млн. 600 минг та ҳар хил миналар 330 минг парашют каби ҳарбий маҳсулотлар ишлаб чиқариб жангчиларга юборди.

Мавжуд ҳамда кўчириб келтирилган корхоналарнинг узлуксиз ишлашини таъминлаш биринчи навбатда кадрлар масаласи билан боғлиқ эди. Шу боисдан ҳам корхоналарда янги ишчи кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Масалан, Тошкент шаҳридаги 43 корхонада урушнинг биринчи ярим йилида 11 мингдан зиёд ихтисосли мутахассис ишчилар тайёрланди. 1941-1943 йилларда 12 минг ишчи якка тартибда тайёргарликдан ўтказилди. 1942-1943 йилларда 17 минг ишчи вилоят саноат объектларига жалб этилди. Вилоятдаги фабрика-завод ўқитув мактабларида, ҳунар-техника ва темир йўл билим юртларида 35 минг ёш ишчилар ўқиб чиқиб, заводлардаги ишчилар сафини тўлдирдилар.

Шундай қилиб 1941-1945 йиллардаги урушда қўлга киритилган ғалабада фронт ортида меҳнат қилган бизнинг Тошкент вилояти меҳнаткашларининг ҳам ҳиссаси жуда каттадир.

Уруш йилларида камида 6 ой меҳнат фронтида фаолият кўрсатган фуқароларимиз мустақил давлатимиз таъсис этган «Шуҳрат» медалига сазовор бўлдилар. Улар моддий томондан ҳам рағбатлантирилдилар. Бу тадбирлар фахрийларимизнинг, ўша қирғинли йилларда тунни кунларга улаб ўз меҳнатлари билан ғалабага қўшган ҳиссалари унутилмаслиги, уларга ҳурмат бажо келтирилаётганлигининг далилидир.

**Х. ТУРДИЕВ,**
**А. АБДУҚОДИРОВ.**



■ Корхона цехида заёмга ёзилиш пайти.



■ Мамлакат ичкарисининг меҳнат қаҳрамонлари.



■ Тошкент вилоятидан урушга чақирилганларнинг жўнаш олдидан тайёргарлик машқлари.



■ Пахтазор ёқасида ҳам жангга тайёргарлик кўрардилар.

(Архив суратлари).

## «ДАЛА—СИЗ УЧУН ЖАНГГОҲ»

Уруш бошланиши билан мен ҳарбий комиссарликка қараб йўл олдим ва фронтга юборишларини сўраб ариза бердим. Гапларимни қунт билан тинглашди ва вақти келиб ўзлари чақиришларини айтишди. Кунлар ўтиб борсада, ҳарбий комиссарликка чақирув қоғозидан дарак бўлмади.

Жанг кетаётган ҳудудлардан мингларча чақирим олисда бўлган бизнинг ўлкамизга бири биридан хунук ва мудҳиш хабарлар келаётганди. Яна ҳарбий комиссарликка кириб бордим, фронтга юборишларини илтимос қилдим. Бу сафар менга берган жавоблари қисқа бўлди: «Ҳозир ишлаб турган далангиз сиз учун жанггоҳдир».

Ҳарбий комиссарнинг қабулхонасида одам кўп эди. Шунга қарамай бошлиқ мени бироз ушлаб турди. Елкамга қўлини қўйди-да, бундай деди:

— Бугунги кунда ғалла билан пахта армия учун тўп ва пулемётлар каби ниҳоятда зарур бўлиб турибди. Жангчиларни кимдир боқиши ва кийинтириши керак-ку, ахир. Осон бўлади, деб ўйлама, Рўзматов. Қишлоқда эркаклар деярли қолгани йўқ, буни сен мендан кўра яхшироқ биласан. Олдинги марра — далада қолиб ишлашингга тўғри келади.

Айтганларини қилиб, шу ерда қолдим. Ҳа, далада ҳам худди фронтдагидек ҳужум борарди. Эркакларнинг деярли ҳаммаси урушга кетишган, колхозимизда бор-йўғи иккита механизатор қолганди. Уларни фронтга жўнатишмаган эди. Техника кам, ёнилғи етишмасди. Мен уйимни унутиб юборгандим. Дала билан устахонада эди уйимиз. Кечаю кундуз дам олиш нималигини билмай ишлардик. Оғир меҳнатдан хотин-қизлар, ўсмирларнинг қадди дол бўлаётганлигини кўриб юрагим ачишиб кетарди. Аммо улар нолишмас, қийин бўлаётгани ҳақида ҳеч кимга чурқ этиб оғиз очишмасди. Бу ердаги меҳнат фронт учун, ғалаба учун ниҳоятда зарур эканлигини ҳаммамиз яхши англаб турардик. Жангчиларга иложи борича кўпроқ нарса юбориш учун ўзимизни ҳатто кундалик энг зарур нарсалардан тиярдик. «Информбюро» маълумотлари радиодан ўқилаётган пайтлардагина дам олардик, десам, муболаға эмас.

Уруш йиллари қанчалик машаққат билан ўтганини сўзда таърифлаб бериш қийин. Жанггоҳлардан ҳамқишлоқларимиз бирин-кетин қайта бошладилар. Афсуслар бўлсинки, кўпгина хонадонлар ўз жигарлари билан дийдор кўришиш бахтидан бенасиб бўлдилар. Орадан ярим аср ўтганига қарамай жанггоҳларда шаҳид бўлганлар хотираси ҳамон қалбларимизда сақланиб келмоқда.

Бугунги кунда жамоамизда кўплаб уруш ва меҳнат фахрийлари бор. Улар хўжалигимизнинг етакчи кучи ҳисобланган, энг асосий ўринларда ишлаб турган ёшлар ёнидадирлар. Хўжалигимиздаги ҳар бир мактабда меҳнат ва жанговар шон-шуҳрат музейи ташкил этилган. Музейнинг ёдгорликларини тўпловчилар ва сақловчилар ёшлар эканлиги биз учун айниқса муҳимдир.

Урушнинг суронли йилларини тез-тез эслаб турамиз. Фахрийларимиз жанг воқеалари, аскарларимизнинг мислсиз жасорати ҳақида гапириб берадилар. Бу ерда, мамлакат ичкарисида қолиб ишлаган биз каби кексаларнинг ҳам ёшларга айтадиган гаплари кўп. Бу — ғалабани яқинлаштириш йўлидаги меҳнатда кўрсатилган жасоратдир.

**М. РЎЗМАТОВ,**
**Меҳнат қаҳрамони, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган механизатор.**



■ Эртага бу аёллар трактор рулига ўтирадилар.

## ҒАЛАБА

*Зарварақ битилди тарих бетига,*
*Асрлар сақланур улуғ хотирот.*
*Югурди жўшқин қон инсон этига*
*Умрбод янчилди ваҳший-фашист зот.*

*Май туни — бахтиёр, шодон тунимиз*
*Салют шуъласида кундуздек бўлди*
*Кўпдан орзу этган зафар кунимиз*
*Довруғи жаҳонга муждадек тўлди.*

*Олқишга сазовор бу ботир авлод*
*Қаҳрамон оталар шаънин оқлади.*
*Мисоли Рустамдек қилиб зўр жиҳод,*
*Одамхўр ёвлардан юртни сақлади.*

*Улуғ саркардамиз ўстирган насл*
*Она-Ватандан олди минг олқиш*
*Бундан ҳам ортиқроқ не бўлсин асл?*
*Зафарни табриклаб қуёш ҳам*
*болқиш*
*Ташаккур сизларга шонли*
*жангчилар,*
*Ер юзин қувнатди бу анъанангиз.*
*Хушхабар тарқатди элга жарчилар,*
*Сиз билан бахтиёр ота-онангиз.*

*Зарварақ битилди тарих бетига*
*Асрлар сақланур улуғ хотирот*
*Югурди жўшқин қон инсон этига*
*Умрбод янчилди ваҳший-фашист зот.*

**Илёс МУСЛИМ**
**3-Белоруссия фронтининг «Қизил аскар ҳақиқати» газетаси 1945 йил 10 май сонидан.**



■ Уруш йилларида қурилган Тошкент канали.

## *Газеталар саҳифаларида*

### ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМ

Тошкент кинохроника студияси яқинда «Фронт, биз сен билан» деган ҳужжатли фильм ишлаб чиқарди.

### «ЎЗБЕКИСТОН ЎҚИТУВЧИСИ»

Ўзбекистон ўқитувчилари «Ўзбекистон ўқитувчиси» деган жанговар аэропланлар қуриш учун маблағ тўплашни қизитиб юбордилар. Мирзачўл район маориф бўлими мудири ўрток Эгамбердиев биринчи бўлиб 2000 сўм берди. Мактаб директорларидан Жўраев ва Беклўлатов ўртоқлар 1000 сўмдан топширдилар.

Райондаги ўқитувчилар оз вақт ичида «Ўзбекистон ўқитувчиси» деган жанговар аэроплан қуриш учун 80 минг сўм тўплаб, давлат банкига топширдилар. Жанговар эскадрильяга маблағ тўплаш давом этмоқда.

### 316 МИЛЛИОН СЎМ

Ўзбекистон меҳнаткашлари танклар ва аэропланлар қуриш учун «Ўзбекистон колхозчиси» деган танк колоннаси ва авиаэскадрильясига 316 миллион 203 минг сўм пул тўплаб, давлат банкига топширдилар.

### АМАЛИЙ ЁРДАМ

Тошкент область Ўртачирчиқ районидаги МТС тракторчилари фашист босқинчилардан озод қилинган Ставрополь ўлкасидаги МТСларга ёрдам бераётирлар, улар 21 тракторни ремонтдан чиқариб, Ставрополга жўнатиб юбордилар.

### 38 ВАГОН СОВҒА

Ўзбекистон меҳнаткашлари фронтдаги жангчилар, командирларга совғалар юборишни давом эттираётирлар. Яқинда Тошкент область меҳнаткашлари 20 вагон, Самарқанд область меҳнаткашлари 18 вагонда ортилган икки эшелон совға юбордилар

1943 й 1 май.

### ЎЗБЕКИСТОНДАН УКРАИНАГА

Ўзбекистон меҳнаткашлари Украинанинг озод қилинган шаҳар ва қишлоқлари аҳолиси учун 450 вагон совға тўпладилар. Бу совғалар ичида 3000 центнер дон, 8300 бош қўй ва қорамол, 1800 тонна қуруқ мева, 30 центнер мой, 50 центнер совун, 25000 литр вино, 160 центнер печенье, 200000 метр газлама, 1000 жуфт оёқ кийим, радиолаштириш учун, касалхона, мактаб ва бошқалар учун асбоб-ускуналар бор.

### ШОНЛИ КИЕВ ДИВИЗИЯЛАРИГА

Қизил Армиянинг ғалабалари колхозчиларни фронтга ёрдамни янада кучайтиришга илҳомлантирмоқда. Тошкент областининг Юқоричирчиқ районидаги «Политотдел» колхозининг аъзолари шонли Киевни озод қилган дивизияларга 1000 пуд шоли юборишга қарор қилдилар.

**Фронт газеталари материаллари асосида босмага тайёрловчи А.АЪЗАМОВ.**

**Саҳифани С. Мусаев тайёрлади.**

